

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 27 “ апрель 2018 й. г. № 312

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Республикада замонавий саноат усулида омухта ем
ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони ҳамда “Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон қарори ижросини таъминлаш, мамлакатда омухта ем ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий омухта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг паст рентабелли пахта ва ғалладан бўшаган, озуқа экинлари учун ажратилган майдонларда жорий йилда маккажўхори экинини жойлаштириш ҳамда 2018-2019 йилларда ҳудудларда бўрдокичилик комплексларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлигининг “Ўздонмахсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд омухта ем ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, уларни замонавий технологиялар асосида босқичма-босқич модернизация қилиб бориш ва янги қувватларни ишга тушириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Республикада омухта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг хомашё базасини кўпайтириш мақсадида паст рентабелли пахта ва ғалладан бўшаган майдонларга 2018 йилда маккажўхори экинини жойлаштириш ва макка дони етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари I-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари омухта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг хомашё базасини кўпайтириш учун келгуси йилларда озуқа экинлари экиш учун ажратиладиган ер майдонларини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегишли илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда 2019 йил ҳосилидан бошлаб, озуқа экинларининг суперэлита уруғларини оригинаторлар ва илмий тажриба станцияларида, элита уруғларини уруғчилик етиштириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларда етиштирган ҳолда, озуқа экинлари учун ажратиладиган майдонларнинг уруғликка бўлган талабини тўлиқ кондириш чораларини кўрсин.

5. “Ўздонмаҳсулот” АК томонидан маккажўхорининг 2018 йил ҳосили учун талаб этиладиган, республика тупроқ-иклим шароитига мос келадиган серҳосил уруғлигини четдан келтириш ҳажмлари ва уларнинг ҳудудлар кесимида таксимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. “Ўздонмаҳсулот” АК Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда дон қабул қилиш ташкилотлари ва ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган майдонларда маккажўхори етиштирадиган ташкилотлар ўртасида 2018 йил ҳосилидан макка донини харид қилиш шартномалари жорий йилнинг 5 майгача тузилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ва “Ўздонмаҳсулот” АК билан биргаликда 2019 йил ҳосилидан бошлаб, давлат эҳтиёжлари учун макка донини харид қилиш тартиби бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Истеъмолчиларнинг омухта емга бўлган талабини тўлиқ кондириш мақсадида 2018-2019 йилларда “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотларда гранулаланган ва экструдирланган замонавий омухта ем ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда гранулаланган ва экструдирланган замонавий омухта ем ишлаб чиқаришга бўлган кўшимча талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, янги қувватларни ишга тушириш бўйича ҳар йил якунида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб бориш топширилсин.

10. “Ўздонмаҳсулот” АК, “Ўзпахтаёғ” АЖ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда хомашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик секторлари бўйича омухта ем тайёрлашнинг илмий асосланган рецептураларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этсинлар ва уларни ҳар чоракда янгилаб боришни таъминласинлар.

11. 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида бўрдоқчилик комплексларини ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Куйидагилар:

“Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, паррандачилик ва чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан озик-овкат маҳсулотларини қайта ишлаш, шу жумладан спирт, пиво, томат ва мева шарбатлари, ун маҳсулотлари, ноанъанавий ўсимлик мойлари, балиқ, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда кушхоналарда ҳосил бўладиган озукабоп чиқиндилар – тўғридан-тўғри шартномалар асосида, шунингдек, пахта шроти ва шелуха маҳсулотлари белгиланган тартибда – биржа савдолари орқали реализация қилиниши;

“Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан озукабоп чиқиндилар, кепак, пахта шроти ва шелухаси, бошоқли, дуккакли ва макка донлари ҳамда премикслардан илмий асосланган рецептуралар асосида омухта ем тайёрлашда хомашё сифатида фойдаланилиши инобатга олинсин.

Белгилансинки, чорва моллари, парранда ва балиқ озукаси учун илмий асосланган рецептуралар асосида ишлаб чиқарилаётган омухта ем маҳсулотлари қадокланган ва унга маҳкамланган ёрликда маҳсулотни тайёрлаган ташкилот, ишлаб чиқарилган санаси, таркиби, чорвачиликнинг қайси тури, йўналиши ва чорва молларининг ёши учун тайёрланган, яроқлилик муддати ва сақлаш шароитлари кўрсатилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси омухта ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ҳудудларда фаолият юритаётган кушхоналар, гўшт ва балиқни қайта ишлаш, колбаса, пиво, томат ва мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан иккиламчи ва озукабоп чиқиндиларни шартнома асосида сотиб олишига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АК билан биргаликда ҳар йили давлат эҳтиёжлари учун қабул қилинган буғдой ва арпа ресурсларининг ишлатилиши бўйича балансларни тайёрлашда омухта ем ишлаб чиқариш учун 5-синф буғдойи ва арпа ҳажмларини ошириб боришни назарда тутсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ илмий асосланган рецептуралар асосида омухта ем тайёрлашда талаб этиладиган ресурсларни ўрганиб, республикада етишмайдиган хомашёларни четдан олиб келиш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК, “Ўзпахтаёғ” АЖ ва “Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ билан биргаликда омухта емни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 27 ” апрелдаги 312 -сон қарорига
1-илова

**Паст рентабелли пахта ва ғалладан бўшаган майдонларга 2018 йилда
маккажўхори экинини жойлаштириш ва макка дони етиштиришнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Маккажўхори экиладиган жами майдон, гектар	шундан:		Жами олинадиган макка ҳосили, тонна	шундан:	
			товар макка	уруғлик макка		товар макка	уруғлик макка
1	Қорақалпоғистон Республикаси	857	847	10	6 799	6774	26
2	Андижон вилояти	1 436	1 401	35	11 295	11207	88
3	Бухоро вилояти	525	520	5	4 169	4157	12
4	Жиззах вилояти	4 458	4 411	47	35 405	35288	118
5	Қашқадарё вилояти	2 869	2 822	47	22 693	22576	118
6	Навоий вилояти	588	579	9	4 655	4633	22
7	Наманган вилояти	1 068	1 048	20	8 436	8387	49
8	Самарқанд вилояти	3 525	3 483	42	27 970	27865	105
9	Сурхондарё вилояти	3 313	3 259	54	26 208	26073	135
10	Сирдарё вилояти	4 463	4 342	121	35 040	34738	302
11	Тошкент вилояти	2 227	2 192	35	17 626	17540	86
12	Фарғона вилояти	2 639	2 616	23	20 986	20929	57
13	Хоразм вилояти	876	870	6	6 973	6957	16
Жами:		28 844	28 390	453	228 256	227 123	1 133

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 27 ” апрелдаги 312 -сон қарорига
2-илова

**“Ўздонмахсулот” АК томонидан маккажўхорининг 2018 йил ҳосили учун талаб
этиладиган, республика тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган серҳосил
уруғлигини четдан келтириш ҳажмлари
ва уларнинг ҳудудлар кесимида
ТАҚСИМОТИ**

Т/р	Ҳудудлар номи	Четдан келтириладиган уруғлик ҳажми, тонна
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16
2	Андижон вилояти	52
3	Бухоро вилояти	8
4	Жиззах вилояти	73
5	Қашқадарё вилояти	71
6	Навоий вилояти	14
7	Наманган вилояти	30
8	Самарқанд вилояти	65
9	Сурхондарё вилояти	85
10	Сирдарё вилояти	191
11	Тошкент вилояти	50
12	Фарғона вилояти	35
13	Хоразм вилояти	10
Жами:		700

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 27 ” апрелдаги 312 -сон қарорига
3-илова

**2018-2019 йилларда “Ўздонмахсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ тизимидаги ташкилотларда
гранулаланган ва экструдирланган замонавий омухта ем ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

МИНГ ТОННА

Т/р	Худудлар номи	Жами қувватлар	шу жумладан:					
			“Ўздонмахсулот” АК			“Ўзпахтаёғ” АЖ		
			Жами	шундан:		Жами	шундан:	
				2018 йил	2019 йил		2018 йил	2019 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	21,0	9,0	9,0		12,0	6,0	6,0
2	Андижон вилояти	50,0	30,0	30,0		20,0	10,0	10,0
3	Бухоро вилояти	15,0	9,0		9,0	6,0	6,0	
4	Жиззах вилояти	21,0	9,0		9,0	12,0		12,0
5	Қашқадарё вилояти	20,0	0,0			20,0		20,0
6	Навоий вилояти	35,0	30,0		30,0	5,0	5,0	
7	Наманган вилояти	15,0	0,0			15,0	5,0	10,0
8	Самарқанд вилояти	54,0	54,0	9,0	45,0	0,0		
9	Сурхондарё вилояти	51,0	36,0	36,0		15,0		15,0
10	Сирдарё вилояти	19,0	9,0		9,0	10,0		10,0
11	Тошкент вилояти	17,0	0,0			17,0		17,0
12	Фарғона вилояти	26,0	9,0		9,0	17,0	7,0	10,0
13	Хоразм вилояти	10,0	0,0			10,0	10,0	
	Жами:	354,0	195,0	84,0	111,0	159,0	49,0	110,0



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 27 ” апрелдаги 312 -сон қарорига
4-илова

**2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларда
бўрдоқчилик комплексларини ташкил этишнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Ҳудудлар номи	Ташкил этиладиган бўрдоқчилик субъектлари сони	шу жумладан:	
			2018 йил	2019 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	23	15	8
2	Андижон вилояти	21	14	7
3	Бухоро вилояти	20	13	7
4	Жиззах вилояти	21	14	7
5	Қашқадарё вилояти	21	14	7
6	Навоий вилояти	15	10	5
7	Наманган вилояти	18	12	6
8	Самарқанд вилояти	24	16	8
9	Сурхондарё вилояти	21	14	7
10	Сирдарё вилояти	17	11	6
11	Тошкент вилояти	30	20	10
12	Фарғона вилояти	29	19	10
13	Хоразм вилояти	20	13	7
Жами:		280	185	95